

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами



Тошкент 2021

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами

2021 йил ноябрь

Тошкент 2021

Масофавий таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик жиҳатлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2021. – 627 бет.

Масъул муҳаррир:

Ш.Абдуллаева – Тошкент давлат шарқшунослик университети, Педагогика ва психология кафедраси мудир, психология фанлари доктори, доцент

Тақризчилар:

В.М.Каримова – психология фанлари доктори, профессор

А.А.Шаюсупова – педагогика фанлари номзоди, доцент

Тахрир ҳайъати:

1. **Ш.Абдуллаева** - Педагогика ва психология кафедраси мудир, психология фанлари доктори, доцент
2. **Ф.Халилов** - Педагогика ва психология кафедраси профессори, п.ф.д
3. **К.Садикова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, б.ф.н
4. **Г.Усмонова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, б.ф.н
5. **С.Махкамова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, п.ф.н
6. **А.Шаюсупова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, п.ф.н
7. **Х.Жабборов** - Педагогика ва психология кафедраси доценти в.б, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
8. **С.Камалова** - Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси
9. **Р.Хайдарова** - Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси

*Тўпламдан ўрин олган мақолалар мазмуни ва аниқлиги учун муаллифлар масъул.

Мазкур илмий-амалий конференция материаллари Тошкент давлат шарқшунослик университети Илмий Кенгашининг 2021 йил 28-октябрдаги 3-сон мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети 2021

КИРИШ

Бугун мамлакатимизда таълимни модернизациялашда масофавий таълим тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис бизда ҳам мазкур тажрибани ўрганиш ва унинг ўзимизнинг миллий таълим тизимига модификация ва интеграция қилишимиз таълим жараёнини замонамиз билан ҳамнафаслигини таъминлайди десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, бугунги ахборот асри ва пандемия даврининг ўзи ҳам таълим муассасаларида масофавий таълим тизимини шакллантириш муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Масофавий таълим бу, муайян соҳада мутахассислар тайёрлаш тизимидаги барча фанларни комплекс тарзда масофавий ўқитишга асосланган, бироқ, комплекс доирасида ўқиш жараёни учун қатъий белгиланган жой ва вақт мезони шартли ўрнатилмаган таълим шаклидир.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитишнинг вужудга келишига омил бўлди. Шундай экан, масофавий таълим замонавий ўқитишнинг ривожланишда давом этаётган шакли бўлиб, у талабанинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, ҳулоса қилиш қобилиятларини ривожлантиради, мустақил билим олишга, изланишга, фикрлашга ўргатади.

Масофавий таълимнинг афзаллиги шундаки, унда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин. Шу туфайли ушбу тизим бугунги кунда дунёда кенг оммалашмоқда.

Бу борада айтиш жоизки 2019 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони эълон қилинганлиги ва мазкур концепцияда масофавий таълимнинг ҳуқуқий ва таълимий асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида масофавий таълимни риволантиришга алоҳида урғу берилганлигини “Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш” номли параграфидан ҳам кўrsa бўлади.

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши:

- фан соҳаларини ахборотлаштириш;
- ўқув фаолиятини интеллектуаллаштириш;
- таълим тизимидаги иштирокчилар интеграция жараёнларини чуқурлаштириш;

- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Бу жараён эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясидаги олий таълим тизимини ривожлантириш учун белгилаб берилган қуйидаги стратегик мақсадларни амалга оширишдаги қадамлардан бири бўлади. Жумладан, мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш; олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш; соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Ушбу илмий-амалий конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли Фармойишида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилмоқда.

Мазкур конференция Ўзбекистондаги узлуксиз таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш билан боғлиқ ҳуқуқий, таълимий ва замонавий педагогик, психологик технологияларнинг модификацияси ва интеграцияси масалалари, масофавий таълим бўйича илғор хорижий тажриба ва унинг методологиясини ўрганиш, масофавий таълимда кадрларни малакавий компетентлигини таъминлаш каби илмий ҳамда амалий мушоҳадаларига бағишланади.

Эмоционал кечинмалар частотаси бўйича иккинчи ўринни меланхолик ҳислар эгалайди. Касбга танлаб олиниши керак бўлган мутахассислардаги пасайган эмоционал фон апатия ҳисси яъни, ҳаётий изланишларни йўқотиши билан характерланади. Изланишларимиз мутахассисларнинг кам қисмигинасини иш ҳафтасининг охирига келиб эмоционал кечинмалар барқарорлигини сақлаб қола олишлигини кўрсатди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида профессионал фаолият жараёнида негатив кечинмалари катта частотага эга бўлган ходимлар, профессионал дезадаптация кўриниши сифатида эмоционал мадорсизланиш омили бўйича психик ҳолатларини кучайиб кетишига кўпроқ мойил бўлишини намоён этди.

Хулоса. Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мутахассислар профессионал дезадаптациянинг олдини олиш, негатив кечинмалар ва кўйиб кетиш синдромини камайтириш мақсадида уларни мураккаб номзодларнинг турли типлари билан самарали ўзаро таъсир кўрсатиш техникларига, суҳбатдан сўнг психик зўриқишни пасайтириш техникларига ва асабий-руҳий барқарорликни фаол қайта тиклаш усулларига ўргатиш керак деган ҳукмни чиқаради. Бундай ҳолатларда психологик хизматлардан унумли фойдаланиш психопрофессиограммалардан ўтиш, ҳамда психокоррекцион фаолиятини татбиқ қилиниши профессионал дезадаптациянинг олдини олиш аспектида мутахассислар фаолиятининг муваффақият гарови ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 22 сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи kun.uz 23-сентябрь.
2. Ғозиев Э.Ғ Онтогенез психологияси – Т.: Нашриёт Noshir. – 2010
3. Ғозиев Э.Ғ Психология методологияси. – Т.: Нашриёт Noshir. – 2013
4. Рухиева Х.А Суд-психологик экспертизаси.–Т.: NAFIS BEZAK.- 2012

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА СУИЦИДАЛ ХУЛҚ ЭҒАЛАРИГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК- ПСИХОЛОГИК ТАЛАБЛАРИ

З.С.Элов– БухДУ психология кафедраси ўқитувчиси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳаёт инсонга бериладиган неъматлар ичида энг қадрлиси ҳисобланади. Шунингдек у яратганнинг бизга берган илоҳий мўъжизасидир. Умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлаш, уни гўзал ўтказиш, узоқ умур кўришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бироқ, орамизда ушбу илоҳий неъматни қадрига етмайдиган айрим ношукур кимсалар ҳам борки улар, бугун уни унутиб қўйишмоқда. Натижада кишилар томонидан ўз ҳаётига ўз чек қўйишгача бориб етмоқда.

Биз ривожланган асрда яшасакда, айрим шахслар бугун ушбу ҳолат энг муаммо эканлиги ва ва чиқарилган бу қарор энг катта гуноҳ эканлигини, англашмайди.

Ривожланган тиббиёт бугун жонига қасд қилган шахсни соғлом шахс эмас – деб ҳисоблайди. Негаки, тиббий нуқтаи назардан руҳиятида ўзгариш бўлган ва ўзида соматик белгилар намоён этган ҳолатдаги шахслар албатта, шифокорга учрашиш лозимлиги таъкидлаб келинади.

Психологияда бугун олимлар томонидан, шахс томонидан билиб туриб ўз жонига қасд қилиш ҳолатини суицид – деб таърифлашади. Энди масаланинг энг асосий моҳиятига тўхталсак. Бугун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, вафот этаётган ҳар 100.000 минг одамдан 10 та суицид қурбонига айланиб бормоқда. Статистик маълумотга тўхталадиган бўлсак, Англия, АҚШ, Италия, Австрия, Исроил, Литва, Латвия, Россия, Беларус, Қозоғистон ва Украина каби давлатларда ушбу жараён ўртача кўрсаткичлардан анча кўплиги қайд қилинган. Натижада, суицид бугун дунёдаги глобал муаммолардан бирига айланиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Олимлар томонидан суицид муаммоси қатор йиллар давомида ўрналигиб келинмоқда. Ушбу ҳолатнинг қандай намоён бўлиши ва асл сабаблари устида бир нечта мутахассислар турли тадқиқотлар олиб боришди. Умуман олганда олимларнинг тадқиқотларига кўра, суицид ҳолатини содир этиш асосан икки хил кўринишда кечиши қайд этилган. Улар ҳақиқий ва сохта суицид. Биринчисида, ўз жонига қасд қилиш ҳолати ойлаб, ҳаттоки йиллаб режалаштирилади. Шундай бажариладики, у аянчли кўринишда ниятига этади. Бироқ, шунга қадар камида ўндан ортиқ кишига бу ҳақда айтган бўлсада, эътиборсизлик оқибатида бир шахс ҳаётдан кўз юмади. Иккинчисида, ўз жонига қасд қилиш, атрофдагиларнинг айниқса яқинларининг эътиборини тортиш мақсадида амалга оширилади. Ушбу жараён кўп ҳолларда намоёйишкорона амалга оширилиб, унда турли таблетка воситаларини кўп миқдорда қабул қилиш, қон томирларини кесиш (чуқур эмас) ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Ушбу ҳолатда шахс қутқариб қолинишини жуда яхши билади ва бу ҳолат кўпроқ аёллар томонидан содир этилади.

Суицид ҳолатининг ушбу икки ҳолати ўрганилганида, ҳар иккисиди ҳам сабаблар оз эмаслиги, шахсий ва турмушдаги муаммолар, оилавий жанжаллар, ажралиш ва тан олинмаган севги, яқинларининг унга нисбатан бепарволиги, сурункали оғир касалликлар, ишдаги ва ўқишдаги омадсизлик, пул муаммоси ва кўп миқдорда қарздор бўлиб қолиш, узоқ давом этадиган оғир депрессия, тушкунликка тушиш ва мажбурий босим, мунтазам камситилиш, номусга тегиш, жисмоний ҳўрлаш каби қатор ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Бугун тадқиқотлар жараёнида суицид қуроли ўрганилганида, асосан ривожланган давлатларда (АҚШ, Англия ва Франция) ўқ отар қуроллардан, иқтисодиёти энди ривожланаётган давлатларда турли дори воситалари ва бошқа усуллардан фойдаланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга статистик маълумотларга кўра бугун Хитойда яшаётган кишилар

томонидан суицид ҳолатини содир этишда зарарли химикат воситалардан фойдаланиш энг кўп қайд этилганлиги кўрсатилган. Бугун юртимизда ҳам бу каби ҳолатлар ҳар куни учраб турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Дунё ҳамжамиятида суицидга йўл қўйиб, тирик қолган шахсларга нисбатан турли жазо чоралари белгиланган. Мисол учун Ҳиндистонда агар шахс суициддан сўнг тирик қолса, бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Сингапурда эса жарима жазоси қўлланилиши мумкин. Юртимизда эса бундай ҳатти-ҳаракат руҳий-асаб касалликлар касалхонасига ётқизишга асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июль кунидаги 207-сонли қарорида, жамиятда суицид ҳолатини олдини олишда, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта ва олий таълим, ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари зиммасига қатор вазифалар юкланган. Бундай кўнгилсиз ҳолатни олдини олиш ва бартараф этишда, идоралараро комплекс чоратадбирлар режаси тузилиб, шу асосда бугун фаол ишлар олиб борилмоқда. Мақсад суицид ҳақида кўп гапирмасдан, депрессияга тушганлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, лоқайдликка йўл қўймаслик, малакали мутахассислар ёрдамини уюштириш, асл сабабларни аниқлан ва уни йўқотиш, зарур бўлган ҳолатларда дори-дармонлар билан даволашдир.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти бебаҳо ва бетакрордир. Ҳаётни асраш, уни чиройли ва мазмунли ўтказиш шарт ва зарур. Негаки, жамиятнинг кучкудрати, соғлом одамларнинг соғлом турмаш тарзи билан барқарордир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

ПСИХОЛОГИЯ МУЗЫКАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Ф.Н.Халилов - Ташкентский государственный университет
Востоковедения, кафедра «Педагогика и психология»
доктор педагогических наук, профессор

Психологическое образование в системе профессиональной подготовки музыкантов призвано вооружать будущих специалистов знанием психологических тонкостей, особенностей музыкального искусства и педагогики. Внутренние переживания человека, его думы и стремления, аналитический расчет и полет фантазии, работа над музыкальным произведением и его концертное исполнение, воля и память, характер и способности, а также другие психологические качества личности музыканта, слушателя должен хорошо знать и достаточно ясно представлять себе будущий композитор, исполнитель, музыковед, педагог.

Музыкальная психология, наяду с общей психологией, изучается с древнейших времен. Первые ростки музыкальной психологии как науки мы находим в работах античных философов. Так, в работах Пифагора(VI век до н.э), его учении об эвритмии, под которой понималась способность человека находить верный ритм во всех жизненных проявлениях. От Пифагора идет традиция сравнивать общественную деятельность, как с музыкальным ладом,